

Лобар АСРОРОВА,

Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Манбалар хазинаси катта илмий ходими,
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD)

XIV АСРГА ДОИР ВАҚФ ҲУЖЖАТИ ТАҲЛИЛИ

АНАЛИЗ ВАКУФНОГО ДОКУМЕНТА XIV ВЕКА

ANALYSIS OF 14th CENTURY'S WAKUF DOCUMENT

Аннотация: Мақолада Сайфиддин Бохарзийнинг невараси, кубравия тариқатининг шайхи Абул Мафохир Яҳё ибн Аҳмаднинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида умумий маълумотлар берилган. Шунингдек, у томонидан 726/1326 йилда тузилган ва 733/1333 йилда унга қўшимча киритилган вақфнома таҳлил этилган. Вақфномадаги мулклар, хонақоҳ ҳудуди, вақф этилган мулкларни қандай тасарруф этиши, мутаваллийга қўйилган шартлар аниқ кўрсатиб берилган.

Калит сўзлар: вақф, архив, вақфнома, муҳаддис, тасаввуф, кубравия тариқати, мақбара, кутубхона, хонақоҳ.

Аннотация: В статье освещается материалы о жизни и деятельности Абул Мафохира Яхя ибн Ахмада – шейха тариката кубравия, внука Сайфиддина Бохарзи. А также проводится анализ вакуфного документа, составленный им 726/1326 году с изменениями 733/1333 года, где подробно указывается имущество, территория хонакоха (мавзолея), порядок реализации вакуфного имущества и требования к мутавалли (попечителя).

Ключевые слова: вакуф, архив, вакуфнаме (вакуфный документ), мухаддис (хадисовед), тасаввуф, тарикат кубравия, мавзолей, библиотека, хонакох.

Annotation: The article describes the life and activity of Abul Mafokhir Yahya ibn Ahmad – the sheikh of kubraviya tariqa grandson of Sayfiddin Boharziy. Moreover, article includes analysis of his wakuf

document, created in 726/1326 year and amended in 733/1333 year. Wakuf document also clearly describes the property and the territory of the mausoleum, methods of realization of the wakuf assets and requirements to the mutawally (trustee).

Key words: wakuf, archive, wakuf document, muhaddith, tasawwuf, kubravia tariqah, mausoleum, library, honakoh.

КИРИШ

Абул Мафохир Яҳё ибн Аҳмад Сайфиддин Бохарзийнинг невараси бўлиб, Кирмонда туғилган. Дастлабки таълимини отаси Шайх Бурҳониддин Аҳмаддан олади. 696/1297 йилда отаси вафот этгач, Эрон, Шом ва Мисрга саёҳат қилади. У ўша ерларнинг машҳур мутасаввиф, муҳаддис ҳамда муфассирларидан илм ўрганади. Табризда Шайх Фаҳриддин, Қоҳирада Шайх Камолиддин, Шайх Ҳисомиддин Румийлардан зикр талқини, хирқа ва ривоят ижозасини олади. Тасаввуфда муҳим саналган китоблардан “Масобих”, “Авориш ал-маъориф”, “Фусус ал-ҳикам” ҳамда Ибн Сабъиннинг асарларини уларнинг ҳузурда ўқийди [“ҳузурда ўқийди” ибораси нима маъно беради, изоҳлаб кетиш керак].

У кубравия тариқатидаги силсиласини икки йўл орқали олган. Биринчиси – отаси ва Шайх Латифиддин Нурий орқали Сайфиддин Бохарзийга, сўнгра кубравия силсиласига етади. Иккинчиси – Шайх Фаҳриддин орқали Шихобиддин Сухравардий, Саъиддин Ҳамавий ва бошқа машҳур кубравий тариқатининг улуғларига етади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Бунга қўшимча равишда Шайх Камолиддин Мағрибий орқали Мағриб ва Миср ўлкаларидаги тасаввуфдан ҳам хабардор бўлган. Бохарзий Камолиддинни эҳтиром билан тилга олади ҳатто хонақоҳ одоб ва қондариини ундан ўрганган [2].

Олим “Авродул-аҳбоб ва фусусул-одоб” номли асари орқали шуҳрат қозонган. Манбаларда келтирилишича, у асарни бобосининг қабри бошида ёзган. Китоб икки жилддан иборат бўлиб, 723/1323 йилда ёзилган биринчи жилди “Авродул-аҳбоб” дея номлаган. Унда дуолар ва ибодатлар ҳақида батафсил

фикр юритилган. Китобнинг иккинчи жилди “Фусусул-одоб” дея номланиб, 724/1324 йилда ёзиб тугатилган.

Абул Мафохирнинг яна “Вақфнома”си ҳам бўлиб, унда кўплаб ер-мулкларнинг номи келтирилган. Олим у мулкларнинг барчасини Сайфиддин Бохарзий хонақоҳи ва мазорига вақф қилган.

Сайфиддин Бохарзий(586-659/1190-1261) нинг Фатҳободда жойлашган хонақоҳ ва мақбараларнинг иккита вақф ҳужжати бўлган. Биринчиси Бохарзийнинг ўзи вақф қилган ҳужжат бўлиб, у сақланиб қолинмаган. Иккинчи вақф ҳужжати эса юқорида келтирилганидек, унинг невараси Абул Мафохир Яхё ибн Аҳмад Бохарзий (696-736/1297-1336) томонидан 726/1326 йилда тузилган. 733/1333 йилда унга кўшимча киритилган. Ушбу вақфнома бугунги кунгача сақланиб келади. Ўзбекистонда унинг уч нусхаси мавжуд. Иккитаси Ўзбекистон Миллий архивида 726/1326 йилда ёзилган асл нусхаси[□] №1183 рақам остида сақланмоқда. Ҳужжатнинг узунлиги – 27 м., 97 см. Кенглиги – 36,7 см. Матн 994 қатордан иборат. Ҳужжатда қози Маҳмуд ибн қози Нуриддин Муҳаммаднинг муҳри босилган.

№1196 ҳужжат ҳам қадимги нусха саналиб, биринчи ҳужжатдан бир оз кейин кўчирилган. Ҳужжатнинг узунлиги – 25 м., 46 см. Кенглиги – 36,5 см. Матн 908 қатордан иборат.

Амир Шохмурод томонидан кўчиртирилган учинчи ҳужжат Бухоро Давлат меъморий-бадий музей-қўриқхонаси қўлёзмалар фондида №31937/11 рақам остида сақланади. Ҳужжатнинг узунлиги – 48 м., 70 см. Кенглиги – 44 см. Матн 1400 қатордан иборат.

Мазкур ҳужжатларни О.Д.Чехович тадқиқ этиб, 1965 йилда таржима ва танқидий матни билан бирга нашр эттирган. Чехович уч нусхани тадқиқ қилар экан, 1196-рақамли ҳужжат айнан № 1183 ҳужжатдан кўчирилгани, Шохмурод томонидан кўчиртирилган нусха эса, умуман бошқа нусхадан кўчирилган, дея хулосага келган. Демак, вақфноманинг яна бир неча нусхалари бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас.

Ушбу вақфнома қадимги ҳужжатлардан бири бўлиб, у орқали юртимиз тарихини ўрганишда, XIV асрдаги ҳуқуқий савияни қай

даражада юксак бўлганини англашга хизмат қилади. Ўзбекистон Миллий архивида мазкур вақфномага тегишли 323-фонднинг 844-ишида бир неча ҳужжатлар сақланмоқда. Унда мутаваллийга тегишли масалалар, вақфномадаги мулкларнинг айримларини сотиш, ерларни харид қилиш, вақфноманинг (яъни, унда тилга олинган мулкларнинг ҳақиқатдан ҳам мақбарага тегишли экани) қонуний кучга эгалиги тўғрисидаги ҳужжатлардан ташкил топган. Мазкур ҳужжатлар XV-XVII асрлар оралиғида тузилган асл нусхалардан иборат [3].

Хонақоҳ ва унинг вақфномаси ҳақида араб сайёҳи Ибн Баттута қуйидагиларни ёзган: “Биз Бухоронинг Фатҳобод номи билан машҳур мавзеида тўхтадик. Бу ерда энг улуғ авлиёлардан бири, аллома шайх, гўшанишин авлиё Сайфиддин Бохарзийнинг қабри бор. Мазкур шайх номи билан аталадиган ва биз кўниб ўтган зовия жуда катта бўлиб, вақфлари беҳисоб, зиёратчилар ана шу вақфлардан келадиган (даромадлар) ҳисобига боқилади...”[1:367-368].

“Тароикул ҳақоик” муаллифи Маъсум Али Шох ҳам мақбарани зиёрат этган вақтида мақбарага осилган вақфия янгиланганини хабар беради.

Вақфномада кўрсатилишича, хонақоҳга 11 та кишлоқ, Фатҳободнинг ўзи, шунингдек, кўприклар, тегирмонлар, боғлар, кўп сонли ерлар, ёлланма ишчилар ва кўплаб чорва моллари қарашли бўлган.

Мазкур ҳужжатдан олинган маълумотларга кўра, кийим-кечак, озиқ-овқатлар таъминоти бошқаруви Сайфиддин Бохарзий авлодлари вазифасига кирган. Ҳужжатда мулкларнинг тасарруфи ва барча шартлар аниқ қилиб кўрсатилган.

Вақфнома шартларига кўра, Фатҳободдаги барча биноларни ҳар кеча ёритиш мақсадида алоҳида чироқлар учун хона бўлиши, унда турли хил чироқлар, чироқ учун мойлар сақланиши шарт қилинган. Шунингдек, хонақоҳ ошхонасида ҳар куни нон ва овқат пиширилиши, ҳафтанинг олти куни гўштли, бир кунда гўштсиз таом тайёрланиши, тайёрланган таомдан хонақоҳда, унинг атрофида яшовчи аҳолига, камбағалларга, турк, тожик, мўғул ва ҳинд миллатига мансуб барча келиб-

кетувчиларга, зиёрат мақсадида келган давлат арбобларидан тортиб оддий аҳолигача бўлган зиёратчиларнинг барчасига таом бериш шарт қилинган. Мабодо кечки пайт, яъни, овқатланиб бўлгандан сўнг бирор киши хонақоҳга кириб келса ҳам, уни олдида дастурхон ёзиб, ошхонада бор нарсалардан қўйиб меҳмон қилиш лозим бўлган. Хуллас, ҳеч ким бу даргоҳдан таом емасдан кетмаслиги керак бўлган фақат, у одамнинг ўзи ўтиришни ва овқатланишни истамаса бундан мустасно.

Яна ҳар кеча хонақоҳда қолиб ибодат қиладиган сўфийлар учун кечки таомни – иккита нон, бир коса овқат, бир бўлак қайнатилган гўшт бериш лозим бўлган. Бундан кам нарса бериш мумкин эмас. Қиш ойларида ҳафтанинг исталган икки кунда ёки душанба ва жума кечалари барча дарвеш, муридларга суюқ ширинлик ё ҳолва бериш шарт қилинган. Мутаваллий ёз ойларида вақф мулкларидаги боғ, полизлардаги ҳосилни ғамлаши керак.

Вақфномада ҳар бир нарсага алоҳида эътибор қаратилиб, жуда аниқ шартлар қўйилган, барча ҳолатнинг нозик жиҳатлари ҳам инобатга олинган. Мисол учун, хонақоҳдан овқатланадиган инсон пиширилмаган таомнинг махсулотини (донли махсулотлар, ун ва ҳоказо) олиши мумкин бўлмаган. Агар хонақоҳдан ҳар кун овқатланадиган киши сафарга чиқса, икки ё уч кун у ердан овқатланишни имкони бўлмагани учун, унга неча кун сафарда бўлса, ўшанча озиқ-овқат ва пул бериб юборилган. Ҳатто овқатни бойми камбағалми, илмлими, илмсизми қатъий назар, барчага бир хил миқдорда тенг қилиб улашилган. Ҳеч кимнинг таоми бир-бириникидан фарқланиши мумкин бўлмаган. Бу шартлар кийим-кечакларда ҳам шу тарзда аниқ белгилаб берилган.

Хонақоҳда озод этилган куллар, хонақоҳ ишчилари ҳам яшаган. Вақфномада 18 та сотиб олинган кулнинг исми ва миллати ёзилган. Улардан 10 таси ҳинд, қолганлари мўғул, турк, хитой, рус ва форс миллатларига мансуб бўлган. Куллар турли хил соҳаларда фаолият юритган. Вақфномада вокиф мазкур кулларни хонақоҳ ва мақбарада хизмат қилиш шарти билан озод қилгани ёзилган.

Хонақоҳ ишчиларига кўплаб шарт-шароитлар яратилган. Агар бирор ишчи хонақоҳ иши билан сафарга кетадиган бўлса, қайтиб келгунига қадар унинг оиласи озиқ-овқат билан таъминлаб турилган. Байрам кунлари ҳам кўплаб совғалар берилган. Курбон ҳайитида бир туя ва иккита қўй курбонлик қилиб барча камбағалларга тарқатилган.

Шунингдек, шаъбон ойининг биринчи куни ва ражаб ойида рўза (тутадиганлар учун) Аллоҳ таолонинг розилиги учун Бухоро ўлчови билан 100 манн гўшт, ҳариса (ҳалим), гуруч, шўрва, турли салатлар, ўнта қовурилган қўй, Бухоро ўлчови билан 200 манн (шаръий минглаб манни ташкил этади) нон тайёрланиб, Фатҳобод майдонида бутун Бухоро халқини бондоддан кечги пайтгача меҳмон қилиш шарт қилинган. Унда амирдан тортиб, оддий фуқарогача таклиф қилинади. Ўша кунда ҳеч ким бир-бирига ёмон сўз айтиши, хафа қилиши мумкин бўлмаган. Шаъбоннинг биринчи куни ва ражаб ойида бериладиган қўй, маблағ ё бошқа махсулотларнинг барчасини вақфномада кўрсатилгандек сарфланиши, бирор нарсани орттириб қолиш ёки кам харажат қилиб ишлатиш мутлақо мумкин эмас. Барча ночор аҳволли фуқароларга хонақоҳдан таом, кийим-кечак берилган. Шайхул оламнинг авлодларидан бирортаси хонақоҳ ҳудудида яшаса, аммо камбағал бўлса, уларга ҳам ҳар куни ошхонадан егулик бериб турилган. Агар ўзига тўқ инсонлар бўлса, уларга моддий ёрдам берилмаган. Хонақоҳга кирган тақдирда, бошқалардек, овқатланиши мумкин бўлган аммо уларга шайхнинг авлоди бўлса ҳам, кунлик егулик берилмаган. Бохарзий авлодлари агар хоҳ бой бўлсин, хоҳ камбағал Фатҳободда яшамаса, уларга ҳеч нарса берилмаган.

Хонақоҳда доимий яшовчилар орасида бева аёллар, етим болалар бўлса уларга ҳам кийим-кечак, олдиндан бир ҳафтага етадиган егулик берилган. Шунингдек, Фатҳобод мавзеига яқин яъни, азон овози эшитиладиган масофадаги ҳовлиларда яшовчи етим, бева ва кўзи ожизларга хонақоҳда яшовчи икки кишини масъул қилиниб, ҳар бир етим, бева ва ожиз инсонлар уйига озиқ-овқат олиб боришга тайинланган. Яна хонақоҳда етим болаларни,

илм олишга иштиёки борларни ўқитадиган ўқитувчига йилида бир марта бош-оёқ кийим, ҳар кунлик (агар оилали бўлса оиласига ҳам етадиган) егулик берилган.

Мазкур шартлардан сўнг, мутаваллий тайинланиши масаласи ёритилган. Унда ҳам бир нечта шартлар қўйилган. Шартга кўра, вақфни бошқарувчиси ўзига ва оиласига қимматбаҳо либослар сотиб олиши ман этилган. Агар шунақа қилса, унга бошқарувчилик топширилмаган. Воқифнинг ўзи ҳам ҳаргиз ўзи ва аҳли оиласига қимматбаҳо кийимлар сотиб олмани, шунингдек, хизмати учун ва уйига бирорта қул сақламаганини таъкидлаб ўтган.

Вақфнинг барча шартларини адолат устида қурилганини кўриш мумкин. Чунки, воқифнинг яна бир шартига кўра, унинг ё амакиларининг авлодларидан бўлган вақф бошқарувчисидан бирортаси ёхуд мутаваллийнинг бирортаси золим бўлса ёки вақфдан бирор нарса тамаъ қилса, уни бошқарув ҳуқуқидан маҳрум қилиш, ўша замоннинг султони ё бошлиғи воқифнинг ўша авлодини шаҳардан қувиб чиқариши лозим. Агар Шайхул оламнинг авлодлари орасида бирор тушунмовчилик келиб чиқса, хонақоҳдаги сўфийлар ва камбағаллар масалани ўрганиб чиқиб, ечим топишлари кўрсатилган. Агар уларнинг сўзига кирмасалар, ўша авлодларни хонақоҳдан ҳайдаб чиқаришлари шарт қилинган[4, 5, 6].

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, вақфноманинг шу кунгача сақланиб келиши, кейинги асрларда давлат раҳбарлари томонидан қайта нусха кўчиртирилиши, унинг ўша даврда ҳам қонуний кучга эга эканлигини кўрсатади. Вақфнома эгаларининг авлодларига XX асрнинг бошларида ҳам кийим-кечак, озиқ-овқатлар бериб борилгани бунга яққол мисол бўла олади. Мазкур ҳужжат орқали нафақат мулклар ҳақидаги мавзулар балки, унда ҳуқуқий қоидаларнинг мукамал тарзда баён этилганини ҳам кўриш мумкин.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ибн Баттута. Саёҳатнома. Тухфат ан-нуззор фи ғароиб ал-амсор ва ажоиб ал-асфор. – Тошкент: Шарк, 2012. – Б. 367-368.
2. Мухаммад Жавод Шамс. Донишномаи бузурги исломий. Марказ доиратул маориф бузурги исломий, 11-жилд. 4306-мақола. Эрон ва ислом тадқиқотлари маркази // <https://www.cgic.org.ir/fa/search>
3. Ўзбекистон Миллий архиви. 323-фонд, 1-рўйхат, 844-йиғмажилд.
4. Ўзбекистон Миллий архиви. 323-фонд, 1-рўйхат, 1183-йиғмажилд.
5. Ўзбекистон Миллий архиви. 323-фонд, 1-рўйхат, 1196-йиғмажилд.
6. Бухоро Давлат меъморий-бадиий музей-қўриқхонаси қўлёзмалар фонди. №31937/11.